

НУФУС



1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-йил 10-dekabr, №50 (675)

10 dekabr — *Ўзбекистон Давлат мадҳияси қабул қилинган кун*

МУАЗЗАМ ҚЎШИҚ

*Серқуёш, ҳур ўлкам элга бахт нажот,
Сеп ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон,
Яшнагай тоғбад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон...*

Ҳар бир янги кунни, ҳар бир мунаввар тонни ҳурриятнинг муаззам садоси бўлмиш ана шу улуғвор тарона билан қарши оламиз. Байрамларга, талбир ва тантаналарга мадҳиямиз ўзгача шуккуз бағишлайди. Мамлакатимизга таъриф бурурган олий мартабали меҳмонларни кутиб олиш чоғида, давлатимиз раҳбарининг хорижга сафарларида, жамият ҳамда давлат аҳамиятига молик воқеани нишонлаш юзасидан ўтказиладиган маросимларда, халқаро спорт мусобақаларида ғолибларни мукофотлаш чоғида ва ҳоказоларда янғрайдиган мадҳиямиз садолари миллатимизнинг ўзлигини тараннум этади.

Бу улуғвор таронани тинглаганда қалбингиздаги энг жушқин, энг умидбахш туйғулар жунбушга келади. Кўз олдингизда бунёдкор халқимиз, Ўзбекистонимизнинг бепоян кенгликлари, тарихи, бугуни ва эртанги кунни намойён бўлади. Унинг тантанавор оҳангларига жўр бўласиз. У мамлакатимиз аҳлининг руҳига руҳ, қувватига қувват бағишлаб, жушқин ҳаётга чорлайди.

Тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали кеча ҳам ананасига кўра Давлат мадҳияси ижроси билан бошланди.

Мадҳиямиз тарихи бошқа давлат рамзларимиз тарихи билан бир қаторда мустабид тузум ҳали ҳамон бош кўтариб турган, унинг рамзлари амалда бўлган даврга бориб тақалади. Давлат рамзлари ҳақидаги масала Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 1990 йил март ойидаёқ парламент сессиясида муҳокама этилган эди. Уша йилнинг 15 июнида қабул қилинган Мустақиллик декларациясида эса Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши ва давлат рамзларини ўзи таъсис этагани қайд этилган эди.

1992 йил 10 декабр кунни Ўзбекистон парламентининг 11 сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинганлиги. Мадҳия ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, куч-қудрати, тарихий қадриятлари ва маънавиятини ўзида акс эттирувчи тимсоллардан биридир.

Ўзбекистон Қадрамони, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов қаламига мансуб пурмаъно мисралар машҳур бастакоримиз Мутал Бурҳонов мусиқаси билан уйғунлашиб, қанчалик улуғворлик касб этгани орқича таърифга муҳтож эмас.

Давлат мадҳиясининг матни ва мусиқий таҳрири Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрдаги қонуни билан тасдиқланган. Мазкур қонунда Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ижро этиш қоидалари белгилаб қўйилган.

Борчага қатнай бошлаган болакай чучук тили билан "Серқуёш ҳур ўлкам..." деб қуйлай бошлаганида қайси ота-она севинчдан тўлқинланиб кетмайди?! Бу кўп миллионли, кўп миллатли халқнинг, тарихи бир неча минг йилларни ўз ичига оладиган юртнинг улуғ ва энг муқаддас қўшиғи. Уни эъзозлаш, ёл олиш, меҳр билан қуйлаш ҳар бир ўзбекининг, ўзбекистонликнинг бурчидир.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг Давлат мадҳияси асрлар оша Ватан, эрк, истиқлол таронаси бўлиб янғрайверсин, халқимиз озодлиги, Ватанимиз истиқлоли дунё турғунча турсин.

УМИД ЖАХОНГІРОВ,
Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси
НорбўТА ҒОЗИЕВ,
журналист

Мамлакатимизда мустақиллигимиз тарихидаги улуғ саналардан бири

8 декабр — Конституциянинг 17 йиллиги байрами тантанали равишда кенг нишонланди. Ушбу санага бағишланган байрам тантанаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳам бўлиб ўтди.



ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров тантанани кириш сўзи билан очар экан, барча иштирокчиларни байрам билан табриклаб, Бош қомусимизнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамиятини, аввало, ўтган давр мамлакатимиз тарихида ўчмас из қолдирганлигини, унинг умуминсоний ва демократик моҳияти йиллар синовида ишонч билан ўтганлигини алоҳида таъкидлади.

Мухим ҳулосалардан бири шуки, Конституциямизда мустақамлаб қўйилган қонун устуворлиги тамойилига амал қилиб яшаш халқимизнинг ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Конституция юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Қайси соҳани олиб қарамайлик, улкан ўзгаришлар, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг ғувоҳи бўламиз.

Ислохотлар жараёнида муҳим босқич ҳисобланган ва мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин эгаллаган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиланган ҳам Бош Қонунимиз ҳуқуқий асос бўлди.

Президентимиз И.Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида прокуратура органлари тизимида ҳам ислохотлар амалга оширилди. Прокуратура халққа хизмат қиладиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладиган органга айланди. Прокуратура органлари юртимизда амалга оширилаётган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида юз бераётган ислохотлардан четда турмади, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий жараёнларда ўз ўрни, сўзи билан

амалий фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг прокуратурага бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Прокуратура ходимларининг мамлакатимизда қонун устуворлигини қарор топтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда давлатимиз мустақиллигини ғайриқонуний таъвозулардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган Ватан ва халқ манфаатлари йўлидаги хизматлари ҳар доим эътиборда.

Юкланган масъулиятли ва аини пайтда шарафли вазифаларни сидқидилдан ва фидокорона бажараётган ҳамкасбларимизнинг кўксини давлатимизнинг орден ва медаллари безаб турибди. Уларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани қувонarli ва гурунларни ҳолдир.

Президентимизнинг 2009 йил 28 августдаги Фармонида асосан Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан бир қатор прокуратура ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

Жумладан, Қашқадарё вилояти Қосон тумани прокурори, ҳозирда мазкур вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Очилов Яхшибой Мухаммадиевич - "Меҳнат шуҳрати" ордени билан; Фарғона вилоят прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими катта прокурори Абсарова Лариса Ҳусанбековна - "Дўстлик" ордени билан; Тошкент шаҳар прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими алоҳида му-

ҳим ишлар бўйича терговчиси Нормуҳамедов Тимур Султонович, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Шуккуров Иноят Раҳматуллаевичлар - "Жасорат" медали билан; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими катта прокурори Атаджанова Айгуль Ибрагимовна, Наманган вилояти прокурорининг Куролли Кучлар, миллий хавфсизлик ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назорат бўйича катта ёрдамчиси Тиллабоев Кучкарбой, Тошкент шаҳар прокурорининг ҳўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича катта ёрдамчиси Шамакуевдов Бехзод Анваровичлар — "Шуҳрат" медали билан мукофотландилар.

Бош прокурор давлат мукофотларини ўз эгаларига тантанали суръатда топширар экан, фуқароларнинг прокуратурага бўлган юксак ишончини оқлашда уларга улкан зафарлар, мустаҳкам соғлиқ, оила-ларига тинчлик-хотиржамлик тилади. Шунингдек, байрам муносабати билан меҳнатда ўрнатган хизмат бурчини ҳалол ва виждонан бажариб келаётган бир гуруҳ прокуратура ходимларига фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.

Жасур ОХУНОВ,
Бош прокурорнинг кадрлар бошқармаси бошлиғи

Ифтихор

Шуҳрат УЗАКОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори

КОНСТИТУЦИЯ — ҲАЁТИМИЗ ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин маънавий жабҳаларда, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва давлат қурилишида чуқур демократик ўзгаришлар юз берди. Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти қурилиши жараёни бошланди. Бу туб ўзгаришлар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизда ўзининг ҳуқуқий ифодасини топти.

Мустақил давлатчиликнинг белгиси ҳисобланмиш Конституция, аввало, миллатнинг юзи, халқнинг эрки ифодаси, жамият тараққиётининг асосидир. Том маънода янги демократик тузумни барпо этиш мақсадида қабул қилинган Конституциямизнинг ғояси, асосий принцип ва қоидалари умумэтироф этилган халқаро талаблар билан бирга, халқимизнинг минг йил-

лар давомида шаклланиб келган қадриятларини ҳам ўзида му- жассам этган.

Халқимиз Конституциямизнинг қабул қилиниши орқали дунё ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларига содиқ эканлигини намойён қилди. Ушбу умуминсоний қадриятларнинг диққат марказида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шани, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш давлатимиз олдидаги олий масъулият эканлиги Конституциямизнинг асосий ғояси сифатида тан олинди. Конституциямизнинг барча тамойиллари, аввало, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, давлатнинг мажбурияти ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашда акс этади.

(Давоми 3-бетда)

ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИ

Бош прокуратурада республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди

Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, иқтисодиёт соҳасидаги, коррупция, диний экстремизм, терроризм ва давлатнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш борасидаги фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги ҳамда "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорат тўғрисида"ги Қонуни ижроси аҳоли муҳома қилинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қилувчи ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш борасида қўрилган чоралар нати-

жасида жорий йилининг ўтган даври мобайнида оғир ва ўта оғир жиноятлар бирмунча камайиб, уларни фожия аҳоли яшилланган. Йиғилишда айрим турдаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг ортганига қайд қилиниб, соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, айниқса, ички ишлар органлари томонидан муқаддам судланган ва маъмурий назорат тўғрисидаги қонун таъсири доирасига тушувчи шахсларни ўз вақтида ҳисобга олиш, профилактика ишларининг самардорлигини яхшилаш ҳамда улар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик ҳусусида кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган шахсларни аниқлаш ва улар-

ни тузатиш йўлига йўналтиришда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаётганлиги аниқланди, бу йўналишда прокурор ва идоравий назоратни янада кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Иқтисодиёт соҳасидаги ва коррупция жиноятларига қарши кураш, уларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилган муайян ишлар билан бир қаторда, бу йўналишда йўл қўйилган айрим камчиликлар танқид остига олинди.

Давлат идоралари ходимлари томонидан коррупцияга йўл қўйилиши жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдид солиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўқсизлик қилади ҳамда фуқароларнинг давлат

ҳокимиятига бўлган ишончига путур етказди. Шу боис прокуратура, ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан коррупцияга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун ижроси аҳолини муҳома қилиш жараёнида, сўнгги йилларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, маъмур соҳада қонунчиликни таъминлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилганини таъкидлаб этилди. Шу билан бирга, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, унга олиб келувчи омилларни бартараф этиш, шунингдек, бу тоғдалаги маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни

расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва жазо тайинлашда қонунбузиш ҳолатларига чек қўйилмаганлиги қайд этилиб, бу соҳада мансабни суниётмол қилган ходимларга нисбатан қонунда белгиланган қатъий чоралар қўрилиши таъкидлаб ўтилди.

Муҳома қилинган масалалар юзасидан прокуратура ва ички ишлар органларининг маъмур соҳада учун масъул раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳада фаолият самардорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун тегишли органларга юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Матбуот хизмати



ҚИШ АРАФАСИДА

Избоскан туманидаги 15-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг ўқувчилари, педагог ва тарбиячиларининг жонларига оро кирди. Изгиринли кунлар арафасида мавсумга тайёргарлик аҳоли ўрганилганда салкам 18 тонна кўмир кам чиқди. Сифф хоналари ва ётоқхоналарни иситиш учун келтирилган кўмирни мактаб-интернатнинг ҳўжалик ишлари мудири Қ.Каримов талон-торож қилгани аён бўлди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ёқилги камомадининг ўрнини қоплаш чоралари қўрилди.

Прокуратура органлари барча туман ва шаҳарларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича режалаштирилган тадбирларнинг ижросини атрофияла ўрганиб, таҳлил қилишди. Ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги охиригача иссиқлик, совуқ сув, газ тармоқлари, қозонхоналар ва қозонларни мукамал ва жорий таъмирлаш режа топшириқлари 100-130 фоизга адо этилган. Тармоқлардаги газ тақсимлагич (ГРП) усуналларнинг тафтиши ниҳоясига етказилган. Бир қанча жойлардаги эскирган электр трансформаторлар ўрнига янгилари ўрнатилган. 9,2 километр иссиқлик тармоқлари изоляция материали билан қопланган. 1991 йилгача қурилган 148 та (99 фоиз) кўпқондонли уйлар мукамал таъмирланган. 1182 та кўпқондонли уйлардаги иситиш тизимлари ювилиб, тозаланган. Таълим-тарбия ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг биноларини жорий ва мукамал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилган. Уларни иситиш учун зарур кўмир захираси тайёрланган.

Соғлиқни сақлаш ва таълим муассасаларининг қиш мавсумига тайёргарлиги синчиклаб ўрганилганда, ҳўжакурсинга қилинган ишлар

билан бирга жиддий қонунбузиш ҳолатлари ҳам аниқланди. Чунончи, Андижон шаҳридаги 3 та, Избоскан туманидаги 4 та, Жалакудук, Қўрғонтепа, Хўжаобод, Пахтаобод, Олтинқўл, Андижон туманларидаги баъзи умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатсиз ўтказилган, охирига етказилмаган. Иш ҳажмини ошириб кўрсатиш орқали 356,2 млн. сўм бюджет маблағлари талон-торож қилинган.

"Транспорт қурувчи Анд" хусусий корхонаси Жалакудук туманидаги 29-умумтаълим мактабда таъмирлаш ишларини бажарган. Бироқ коридорга линолеум сифатсиз ётқизилган. Айрим сиффхоналарнинг леразаларига ойналар солинмаган. Ушбу камчиликлар жойида тузатилиб, корхона раҳбари расман оғохлантирилди. "Мадад-паноҳ" кўптармоқли фирмаси Андижон шаҳридаги 49 ва 2-мактаб биноларининг кириш қисми ҳамда электр ва иссиқлик тармоқларини мукамал таъмирлашга киришган. Бироқ, ишчи охирига етказмаган. Фирма раҳбари Р.Сатторов бажарилган ишлар ҳажмига қўшиб ёзиш йўли билан 8 млн. сўмин ўзлаштирган. Андижон туманидаги 10-мактабни таъмирлаган "Экстра бизнес эли" хусусий корхонасининг раҳбарлари ҳам бажарилган иш ҳажмини кўпиртириб, 4 миллион сўм бюджет маблағларини ҳамёниларига уришган.

Айрим пудратчи ташкилотларнинг уздабурон мансабдорлари тўлиқ қуриб битказилмаган касбхона коллежларини тап тортайи фойдаланишга топширишаверган. Жумладан, Асака туманидаги спорт коллежи қурилиши якунига етмаган. Пудратчи ташкилот раҳбари аслида қилинмаган ишларни қўшиб ёзиб, 68 млн. сўм бюджет маблағларига чанг солган. Юқори-

дагидай 16 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилиди.

Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг айрим масъул ходимлари ёнган хавфсизлиги ва табиий газдан фойдаланиш талабларига риоя қилишмаган. Ўзбошимчилик билан газ тармоқларига улашиб олишган, хоналарга иситиш печларини ўрнатилган. Марҳамат туманидаги 4-мактабнинг 4 та бошланғич синфлари ёнган хавфсизлиги қондаларига зид равишда "бўржуйка" русумли печлар билан иситила бошлаган. Асака шаҳридаги 17 бошланғич босқисда эса қозонхона таъмирланмаган, иситиш тармоқлари изоляция қилинмаган, газ тармоғига ўзбошимчилик билан улашиб олинган. Асака шаҳри, Қўрғонтепа ва Марҳамат туманларидаги таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг 67 нафар масъул ходимлари ёнган хавфсизлиги қондаларига амал қилмасдан юқоридагидай қонунбузилишларига йўл қўйишган.

Ушбу ҳолатлар текшириш жараёнида бартараф этилди. Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Иситиш учун келтирилган кўмирнинг камомади моддий жавобгар шахслардан тўлиқ ундирилди. Шаҳар ва туман прокуратуралари ўз вақтида қўллаган қонуний чоралар натижасида таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, турар-жойлари иситиш мавсумига шай ҳолатга келтириш борасида чала қолган ишлар ниҳоясига етказилди. Ўқтиёж ортадаги қиш-қировли кунларда табиий газ, иссиқлик, электр таъминотидаги узилишларининг олдини олиш чоралари қўрилди.

Хусанбой РАҲМОНОВ,
Андижон вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

ҚИЛМИШИГА ЯРАША...

Айни экин-тикин палласи. Эл қатори томорқасига пиёз уруғи ташлаган Умўрзоқ Жўраев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) экин ўсиб чиққан пайтда унинг орасидан кўкнори ўсимлиги ҳам униб чиққанлигини кўрди-ю, лекин уни юлиб ташламади. Тўғрироғи, юлиб ташлашга қўз қиймади. Пиёзига қандай парвариш берган бўлса, ўзи униб чиққан бу ўсимликдан ҳам меҳрини дариг тутмади. Вақти-вақти билан бегона ўтлардан тозалалаб, сугориб ҳам турди.

Май ойининг бошларида кўкнорининг 15-20 туپини сугориб олди-да, "шабадада тезроқ қурийд" деган ўйда айвондаги тахта устига ташлаб қўйди. Орадан кунлар ўтди...

2009 йил 18 май куни соат 11-00 ларда уйига кириб келган нотаиш одамлар ва милиция ходимларини кўрган Умўрзоқ аввалига шошиб қолди. Аммо тезда ўзини тутиб олиб, меҳмонларга пешвоз чиқди:

— Келинлар, келинлар. Хўш, хизмат?

— Биз "Қорадори-2009" талбири бўйича текшириш ўтказётган эдик. Булар ҳолислар, — дея ИИБ ходимларидан бири ёнидаги икки кишини кўрсатди. — Рухсатингиз билан ҳовлини кўздан кеңирсак...

Умўрзоқ ақиндагина офтобга ёйган ўсимликни эслади-ю, кўрқиб кетди. Ҳолислар ҳамроҳлигидаги милиция ходимлари ҳовлини айланиб юриб, қуритишга қўйилган 20 туپ, томорқани кўздан кеңириб эса 10 туپ кўкнори ўсимлигини топишди. У ходимларнинг саволига бошини ҳам қилди-ю, жўяли жавоб бера олмади. Ахир, нимаям десин?

Умўрзоқ Жўраев суддаги кўрсатмасида кўкнори уруғини атай етиштирмагани ва ундан соғлиқни сақлашда фойдаланишни назарда тутгани боис парваришларини таъкидлаган бўлса-да, бироқ унга ишонини қийин. Сабаби у илгари ҳам гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилганлиги учун судланган эди. Шундай бўлса-да, У.Жўраев яна жиноятга қўл урди. Ахир "кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотди" дейишди-ку! Қолаверса, 20 туپ кўкнори ўсимлиги у ёқда турсин, бир чимдим наркотик кукуни ҳам инсон ҳаётига нечоғлиқ таҳдид солиши барчага аён-ку! Афсус...

Умўрзоқ Жўраевнинг ўз қилмишидан пушаймонлиги, ёши ва оилавий шароити ҳисобга олиниб унга жарима жазоси белгиланди.

Холмурод БАҲРОНОВ,

Шофиркон туман прокурори

Дилноза УРИНОВА,

ЎзДСИ журналистика бўлими талабаси

Фахрийлар билан учрашув

Ўтган ҳафта Бош прокуратуранинг Олий ўқув курсларида мазкур даргоҳ тингловчилари билан прокуратура фахрийларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашува прокуратура соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш, адолатни қарор топтириш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида қатъ таърибага эга бўлган фахрийлардан Ортиқбой Қосимов ҳамда Александр Красиков ташириб буюришди.

Фахрийлар сўхбат жараёнида ўзларининг машаққатли ва шарафли касбларида эришган ютуқлари ҳақида тўхтадилар. Жумладан, жиноятчиликка қарши курашиш, қонунийликни мустаҳкамлаш йўлида ортирган таърибалари ҳусусида батафсил гапириб бердилар.

Шунингдек, тингловчилар томонидан берилган қўйлаб саволлар юзасидан ўзларининг фикр ва таъкидларини билдирилди.

Учрашувада фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ Маркази директори Б.Калонов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

(Давоми. Бошлангичи 1-бетда)

Юртбошимиз, "Халқ юз йиллар мобайнида озоликни озу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаши - биз қўшаётган олий мақсаддир. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси бунинг ҳуқуқий қафолати бўлиб хизмат қилади", деб таъкидлаган.

Конституциямиз халқимизнинг Асосий Қонуни сифатида ўзида демократик, одил тамойилларни акс эттирди ва мустақиллик гоиларини ҳуқуқий қафолатлади. Аввалги Конституциялардан асосий фарқлари ҳақида тўхталадиган бўлса, Юртбошимиз таъкидлаганидек, аввало, унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Бунда фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари тўғрисидаги қондаларни аввалги Конституцияларга солиштирсак, истиқлолимиз шарофати билан юзага келган янги ҳуқуқ ва эркинликлар тизимини, фуқаролар

ражага кўтарди. Унда давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида белгилаб қўйилди.

Инсонни эълозлаш, манфаатларини ҳимоялаш чинакам демократик, адолатли давлатга хос хусусиятдир. Асосий қонунимизнинг 13-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади. Уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Асосий Қонунимизнинг моҳияти ва белгиларини асосан олтига омил орқали кўрсатишимиз мумкин:

1. Конституциямиз мустақил ўзбек давлати ва жамиятининг Асосий Қонуни бўлиб, унда истиқлолга эришилган ўрнатилган ижтимоий ва давлат тузуми, янги мулкчилик шакллари, иқтисодий негизимиз, мустақил тараққиёт ва халқ ҳокимиятчилиги ўз ифодасини топи.

2. Характерли хусусияти унинг

лишини эркинлаштириш йўлида босқичма-босқич, изчил жорий этилаётган иттиҳлиш ва саз-ҳаракатларимизнинг ҳолис ва амалий ифодаси бўлиб, биз ўз олдимизга қўйган энгу мақсадларга — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигига эришиш учун ишончли шарт-шароит ва конституциявий қафолатларни яратди, деб айтишга барча асосларимиз бор".

Асосий Қонунимизнинг 26-боби Мулофаа ва хавфсизлик деб номланади. Унга мувофиқ 125-моддасида Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилди деб белгиланган.

Конституциянинг 126-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун стар-ли даражада Қуроли Кучларга эга эканлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг Қуроли Кучлари бевосита мулофаа мақсадларида ташкил қилиниб, урушлар ва қуроли жоғаларини бартараф этиш ҳамда уларнинг ол-

бида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Унда ҳарбий хизматчиларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа, тиббий таъминот ва бошқа кўлаб ижтимоий қафолат ҳамда имтиёзлардан фойдаланиши кўрсатиб ўтилган.

Шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи, сержант ва оддий аскарлар таътил вақтида ёки хизмат жойини алмаштириганда давлат транспорт воситаларидан бепул фойдаланиши Низомда ёзиб қўйилган.

Давлатимиз ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини сақлаш, хизмат бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган она-юрт ҳимоячилари байрамларга ёлга олинади, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Бу Конституциямизда таъкидланганидек, инсонпарварлиқнинг, инсонийликнинг олий қадрият даражасига кўтарилгандир. Мамлакатимиз, халқимиз ўз фидойи фарзаларини ҳеч қачон унутмайди. Қолаверса, бу бундайин мард ва жузурлик кўрсатган ҳарбийларимизнинг оила аъзолари доимо маъна-

олий ўқув юртларига ўқишга киришда тезда тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорда имтиёзга эга бўлиши.

Шунингдек, Қуроли Кучлар сафида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, уларни замонавий шарт-шароитларга эга бўлган турар-жойлар билан таъминлаш мақсадида, 2007 йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар-жой билан таъминлаш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида мудатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларини жанговар ва ижтимоий-сиёсий ва сафарбарлик жиҳатдан тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида мудатли ҳар-

КОНСТИТУЦИЯ — ҲАЁТИМИЗ ТИМСОЛИ

ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошиш қафолати кучайтирилганини ҳис қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимиз ўзининг ривожланиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарурлигини бир неча бор таъкидлаганди. Юртбошимиз ўзининг "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" асарида "Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ", деб ёзган эди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилиниди ва "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилинди. 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

Асосий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаи жуда кенг тус олди. Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаи Ўзбекистон халқининг хоҳиш - иродасини аниқлаш, жуда бой материал тўплаш имконини берди. Жамланган ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи қаҳриққ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамаида киритилди.

Президентимиз сессияда Конституция лойиҳаси устида таҳминан икки йил давомида ишлангани, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамаидан ўтганини ва шу вақт мобайнида у халқнинг фикр ҳазинаси дурдоналари билан бойитилганлигини, сайқал топганлигини алоҳида таъкидлади.

Республика Олий Кенгашининг сессиясида муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳаси 8 декабрь куни қабул қилиниди ва ушбу кун "Конституция куни" деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсонларнинг озода ва обод яшаш, меҳнат қилиш, илм олиш, фикрлаш, сўзлаш, сайлаш ва сайланиш, никоҳ тузиш, тиббий хизмат турларидан, турар жой дахлсизлигини, тил ва дин эркинликларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг асосий қафиллигини олдуви Бош қонун сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий да-

чинакам халқпарварлиги, халқчиллигини аниқлади.

3. Конституциянинг барқарорлиги ўзида мустақиллик тамойилларини тўла акс эттирганлигидир. Унинг қондалари республика жорий қонунчилиги учун асос бўлиб хизмат қилади, бунга давлат ва жамоат таъкидотлари, бошқалар тўла амал қилиди.

4. Бош Қонунимизнинг аниқлашган, реал характерга эгадир. Унинг мазмуни норматив ҳужжатларда ўз шарҳини, аниқ ифодасини топиши бунинг исботидир.

5. Конституциямиз нафақат қонунларнинг оғишмай бажарилиши, унинг устуворлигини таъминлайди, балки уларнинг тўла бажарилиши лозимлигига ҳам эътибор қаратади. Бунинг ундаги "Конституция ва қонуннинг устуворлиги" деган бош ҳам кўрсатиб турибди.

6. Асосий Қонунимиз илмий, юксак мафкуравий характердаги ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, унда халқимизнинг демократик, адолатли, инсонпарвар, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги вазифалари акс эттирилган.

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ Конституциянинг 18, 19, 20, 23-бобларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, 1997 йил 11 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Конституциянинг 89-моддаси, 93-моддасининг 15-банди, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Халқимиз икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари мудатлини узайтириш гоисини кўлаб-қувватлади. Натижада Олий Мажлис халқимиз хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги конституциявий қонунларини қабул қилди. Президентимиз Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида киритилаётган ўзгаришлар ҳусусида тўхталиб, шундай деган эди: "Конституциямизга киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қури-

лини олиш, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ва аҳолининг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш учун давлат томонидан ташкил этилган ҳарбий бирлашмалар, қўшинмалар ҳамда қисмларини, шунингдек, бошқа ҳарбий тузилмаларни ўз ичига олади.

Олий Бош Қўмондонимиз Ислом Каримов ўзининг "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам қафолатидир" деб номланган асарида миллий армиямизнинг илк шаклланив жараёнилари ҳақида сўз юритиб экан, шундай дейди: "...90-йиллардаги мураккаб иқтисодий вазиятга қарамастан, биз ҳарбий қурилиш соҳасида олдимизда турган долзарб ва улкан вазифаларни ҳал этиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган моддий ва молиявий манбаларни излаб топиш мақсадида қаттиқ иш олиб бордик". Дараҳикат, миллий армиямиз тамал тоши қўйилганидан эътиборан давлатимиз раҳбарияти бу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Маълумки, ҳарбий хизматчилар табиий, экологик қийинчиликларга қарамастан ўз бурчларини виждонан бажаришади. Албатта, бунга жавобан давлатимиз уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлади. Ҳарбий хизматчиларнинг табиий қийинчиликлар мавжуд бўлган ҳудудлардаги хизмати қонунчилигимизга биноан имтиёзлар билан қафолатланган. Шунга асосан, айрим ҳудудлардаги бир йиллик хизмат икки йилга, бир ярим йилга ҳисобланади.

Яна бир муҳим ҳужжат ҳақида тўхталсак, бу Президентимиз, Қуроли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовнинг 2006 йилнинг 14 январидagi қарорини билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида"ги Низомдир. Ана шу муҳим ҳужжатнинг айна Ватан ҳимоячиларини қунида имзоланишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Аниқроқ қилиб айтганда, бу мардлик касбини таянган, ҳарбий хизматчи Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб санайдиган юрт ҳимоячилари доимо давлатимиз эътиборида эканлигини даълолатдир.

Ушбу Низомнинг олтинчи бо-

вий қўлаб-қувватланишидан, ижтимоий муҳофазамида эканлигини даълолатдир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб, устувор мақсадларимиз йўлида далил олдимлар ташляпимиз. Бунда ўз-ўзидан миллий армиямиз янада шаклланиб, ҳарбий хизматчиларимизнинг ижтимоий ҳимояси янада кучайиб бормоқда. Бобоқалонимиз Амир Темури беҳизма "Бой мамлакатнинг аскар бақувват бўлур, аскар бақувват мамлакат бой бўлур" демаган, ахир. Қуроли Кучларимиздаги ислохотларнинг муҳим бир йўналишини миллий армиямизнинг жанговар қудрати ва маҳоратини юксалтириданган куч — армия сафларидagi инсонларга, уларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилгани ўз самарасини бермоқда. Президентимиз таъкидлаганиларидек, армияни то маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруз билан чиқишга асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтириданган куч — бу армия сафларидаги қилаётган инсонлардир. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, ҳарбий соҳадаги ислохотлар, аввало шу заминда туғилиб ўтган, вояга етган ватанпарвар инсонларга эътибор, ғамхўрликка қаратилди. Бунини аниққа, кейинги пайларда қабул қилинаётган муҳим Фармон, қарорларда ҳам кўриш мумкин. Эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг аксарияти армия сафларида хизмат қилаётган, юрт ҳимоясини ўзига касб деб билган ҳарбийларимизни янада кентроқ ижтимоий ҳимоялаш, уларга турли имтиёзлар яратишга қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида мудатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида"ги қарорига кўра мудатли ҳарбий хизматчиларнинг ойлик пул маошлари икки баробарга, хизматдан резервга бўшатилганда берилган пул миқдори эса энг кам иш ҳақининг 16 бараваригача оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрдаги Қарорига биноан мудатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларимизга бериладиган имтиёзлар тизими янада такомиллаштирилди. Ҳарбий қисм таъминомасига эга бўлганлар республика

бий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чораталбирлари тўғрисида"ги Фармони 2008 йил 20 ноябрь куни қабул қилинди.

Мазкур Фармонга асосан фуқароларни мудатли ҳарбий хизматга йилга икки марта чақирилданган иборат совет тизимидан қолган ва мудатли ҳарбий хизматчиларга ҳарбий мутахассислик сирларини ўрганишга қийинчилик туғиладиган одатига барҳам берилиб, юртимизда 2009 йилдан бошлаб фуқароларни Қуроли Кучлар таркибига мудатли ҳарбий хизматга йилга бир марта — февраль-март ойларида чақирши ва белгиланган мудатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни захирага март-апрель ойларида бўшатиш тартиби жорий қилинди.

Олий Бош Қўмондонимиз Қуроли Кучларимизнинг 17 йиллик байрамига бағишланган муножаатда миллий армиямиз салохияти ва куч-қудратини янада юксалтириш борасида муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларини белгилаб берди. Шулардан бири ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш, барча бўғиндаги қомандирларнинг фаолияти оғицерлар, сержантлар ва аскарларга юксак маънавий ва ахлоқий ғазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш тўғрисида янада кучайтиришга қаратилиши лозимлиги таъкидланган.

Мамлакатимиз Қуроли Кучлари жанговар тайёргарлигини таъминлашнинг устувор вазифалари орасида қўшинларни тайёрлашда миллий ғоя, миллий мустақиллик мафкурасига таянган ҳолда тарбиявий ишларни ташкил этишнинг бутун тизимини қайта тузишга киришилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ҳеч бир мулоҳазасиз айтиш мумкинки, давлатимизнинг юзи, бўм-эътибори бўлган Конституциямиз ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатиш, инсонни олий қадрият деб ҳурматлаш, унинг барча манфаатларини ҳимоялаш учун хизмат қилади.

...халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бузуи униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улғу, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади.

Президент Ислон КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан

Тўрткўл Қорақалпоғистоннинг йирик туманларидан саналади. Аҳолиси 173 минг нафар. Шундан 81 минг нафарини воёга етмаганлар ташкил қилади. Шу кунда туман ҳудудига 29 минг 337 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётган 65 та умумтаълим мактаблари, 9 минг 58 нафар ўқувчи таҳсил олаётган 6 та касб-ҳунар коллежлари ва 1 та академик лицей, 2 минг 314 нафар бола тарбияланаётган 28 та мактабгача тарбия муассасалари, 3 минг 902 нафар тўғарақ аъзолари бўлган 7 та мактабдан ташқари таълим муассасалари, 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва 1 та Республика Халқ таълими вазирлигига қарашли "Сил" касаллигига ихтисослашган махсус мактаб интернат мавжуд.

БОЛАЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Воёга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорат фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2004 йил 22 июлдаги 27-сонли буйруғи ижросини таъминлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ВЕИК томонидан 2009 йил давомида амалга оширилган ишлар ўрнатилганида аниқланишича 2009 йил 22 октябрь кунги Тўрткўл шаҳри Н.Қўқоров кўчаси 10-уйда яшовчи фуқаро Анажон Нурумбетова Ёлғиз фарзанди Якубов Сирожбекни "Меҳрибонлик" уйига жойлаштириш тўғрисида туман ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилган. Хужжатлар тўпланиб Тўрткўл тумани ҳокимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан 2009 йил 22 октябрь кунги

муҳокама қилинган ва Якубов Сирожбекни Хўжайли туманидаги "Меҳрибонлик" уйига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ушбу қарорни қабул қилиш жараёнида комиссия Якубов Сирожбекни "Меҳрибонлик" уйига жойлаштиришдан тартиблаш чораларини муҳокама қилмаган, яъни Якубов Сирожбек туман ИИБ ВЕОХООГ-да профилактик ҳисобда турган бўлишига қарамастан, профилактик тадбирлар етарли даражада олиб борилмаганлиги ва уларни кучайтириш ишлари муҳокама қилинмаганлиги аён бўлди.

Туман прокуратураси томонидан фуқаро А.Нурумбетова аризаси юзасидан туман ҳокимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг 2009 йил 22 октябрь кунги 23/1-сонли қарорини беқор қилиш ҳақида протест келтирилди ва у қаноатлантирилди. Умуман олганда 2009 йилда воёга етмаганлар

га оид қонунлар ижроси юзасидан жойларда жами 19 та текширишлар ўтказилиб, натижаси бўйича 23 та тақдирнома, 2 та протест, 19 та қарор, 8 та огоҳлантирувлар киритилиб, ушбу тақдирнома ва қарорлар бўйича 30 нафар шахс интизомий, 9 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда аниқланган қўпоқ қонунбузилишлар бўйича 8 та жиноят иши кўзатилди.

Болалар — келажагимиз. Шундай экан, уларнинг тарбияси ҳақида эъти-

борда бўлмоғи лозим. Мамлакатимизда бу масалга давлат аҳамиятига молик вафиза сифатида қаралмоқда.

Утган йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар, хусусан, янгиланган мактаб, коллеж ва лицейлар, болалар спорт мажмуалари қурилаётганлиги, эскирилганларини замон талаблари даражасида таъмирланиб, керакли жиҳозлар билан таъминланаётганлиги бунинг аққол далилидир.

Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда юртбошимиз Ислон Каримов томонидан 2010 йилнинг мамлакатимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган эса бу боралли эзгу ишларимиз янги йилда ҳам кенг кўламада ва юқори суръатларда давом эттирилишини билдирди. Прокуратура органлари ҳам умумхалқ ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаверади.

Фарход АЛЛАМБЕРГЕНОВ,
Тўрткўл туман прокурори

Ўқувчиларнинг бўш вақти мазмунли ўтмоқда

Муваққиллик, энг аввало, фарзандларимизнинг бахтидир. Бугун уларнинг ҳар томонлама етук бўлиб улғайишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Ўқиб, касб-ҳунар эгаллаш имкониятлари кенгаймоқда. Табиийки, ҳар бир болада билим олиш, бирини бир касб-ҳунарга интилиш ва қобилият бўлади. Уларгагина ана шу интилиш ва иқтидорни юзага чиқариш, тарбиялашда мактаб, маҳалла ва оиланинг ўрни катта. Дарсдан бўш вақтида бирон фан ёки касб ўргатилганидан тўғараққа қатнашадиган болалар ҳеч қачон ҳуқуқбузарлик қўчасига қирмайди, келажагининг ҳам муваққил пайдовори бўлишади. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 360-сонли қарорига ҳам юқоридаги масалалар алоҳида эътиборга олинган. Мазкур қарор ижроси бўйича туманимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Туманда 7 та мактабдан ташқари муассаса мавжуд бўлиб, бу таълим муассасаларида 4800 га яқин ўқувчилар 33 хил йўналишда касб сирлари, 10 дан ортиқ йўналишда спорт сирларини ўрганиб келмоқда.

Ана шулардан бири жорий ўқув йили бошида туманимиздаги Карнайчи қишлоғида ўқувчилар иқодиёт маркази иш бошлади. Бу марказни ютуқларимиздан бири дейиш мумкин. Чунки энди ўқувчи бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун туман марказига бориши шарт эмас. Бу даргоҳда болақонлар компьютер, модель-ихтирочи, кийим-технолог, юмшоқ ўйинчоқ ва ёш ҳуқуқшунос

тўғарақларида билим ва касб сирларини ўрганишмоқда. Бунинг учун зарур модалий-техник база етарли.

Кунни кеча марказда туман воёга етмаганлар комиссияси, прокуратура ва халқ таълими бўлими ҳамкорлигида "Билим ва иқтидор намоиши" мавзусида кўргазмалар семинар ташкил этилди. Семинарни туман воёга етмаганлар комиссияси раиси, туман ҳокими С.Расулов табрик сўзи билан очди. Сўнг тумандаги 57-умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган "Бахтимиз қомуси" кўргазмалари чиқиши ва "Огоҳ бўлайлик!" саҳна кўриниши намоиш этилди.

Иштирокчилар мактабдан ташқари муассасаларда ташкил этилган тўғарақ ўқувчилари томонидан тайёрланган иқодиёт иш намуналари ва марказдаги тўғарақ машғулотлари фаолияти билан танишилди. Уларга ҳужжат ишларини юритиш ва иш ташкил қилиш юзасидан зарурий маслаҳатлар берилди.

Семинарда вилоят прокурорининг ёрдамчиси О.Каримов иштирок этди.

— Албатта бу ишлар ўз самарасини бермоқда, — дейди туман прокурори М.Иминов, — туманда жорий йилнинг 11 ойи давомида воёга етмаганлар томонидан 10 та жиноят содир этилган бўлиб, утган йилнинг шу даврига нисбатан мазкур кўрсаткичининг 23 фоизга камайишига эришилган.

Бахтиёржон ХУДАЙБЕРДИЕВ,
Шахрихон туман прокурорининг ўринбосари

ҳида эътибор қаратилиши таъкидланган.

Избоскан туманида бу борда олиб борилаётган ишлар эътирофга лойиқ десак янглишмаган бўламиз.

МЕҲРИМ СЕНГА, АЗИЗ БОЛАЖОН!

2009 йил 21 сентябрдаги "Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги 360-сонли Қарори, Бош прокурорнинг 2004 йил 22 июнда-

ги "Воёга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 27-сонли буйруғи ижроси доимий назоратга олинган.

Буйруқда воёга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоясига доир қонунлар юзасидан ижтимоий кўмакка муҳтож, ҳам таъминланган ва кўп фарзандли оилаларнинг болаларига ўз вақтида ёрдам берилишига ало-

2009 йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан ҳам таъминланган оилаларда тарбияланаётган, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи ногирон болаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг маданий ҳордиқ олишини ташкил этиш мақсадида ўтган ҳафтада Пойтуғе шахридаги "Ёшлар кафе"да ангаёнага айланб қолган "Меҳрим сенга, азиз болажон!" мавзусида байрам тадбири ўтказилди.

Мазкур тадбирда 130 нафар ногирон болалар ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди. Тақдир этилган ногирон болаларнинг барчасига киши киём-бош топирилди.

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки (8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Тасаввур қилинг, тинчгина ишлаб, оила тебратиб юрибсиз. Ўзингизни ор-
тиқча ташвишлардан халос қилиш мақсадида коммунал тўловларни ҳам вақ-
тида тўлашни унутмайсиз. Тўғрими? Ёки, дейлик, кўп қаватли уйнинг юқори
қаватида истиқомат қиласиз. Агар лифт бузилиб қолса, зинадан бўлса ҳам амал-
лаб уйнингизга чиқиб olasiz. Лекин, хонадонингизда бир соат эмас, атиги бир
неча дақиқа чироқ ўчиб қолса-чи? Ёхуд овқат пишираётганингизда газ келмай
қолса-чи? Ўзингизни кўярга жой тополмай қоласиз-а?!

Энди бошқа савол. Айтайлик, юқорида келтирилганидек, коммунал хизмат-
лардан қарзингиз йўқ. Шунинг учун ҳам хотиржам юрган қуиларнинг бирида
газ ёки сувдан фалон сўм қарзингиз бор дейишса, қандай аҳволга тушасиз?
Тена сочингиз тикка бўлиб, ўша идорага юграсизми? Ахир ҳеч қанақа қарзин-
гиз йўқ бўлгандан кейин алам қилади-да!

СОХТА ҚАРЗДОРЛИК

Ўтган йил куз ойининг охирида пой-
тахтимиздаги туманлардан бирида яшовчи
бир қанча фуқаролар айнан ана шундай ва-
зиятга тушибди. Ажабланирлиси, улардан
бирортасининг газдан умуман қарзи йўқ
бўлса-да, туманга шўъба корхонасидан уй-
ларига фалон сўм қарзинг бор дейилган
қоғозлар кела бошлади.

Ишонмайсизми? Марҳамат, ўзингиз
гувоҳ бўлинг. Туманга шўъба корхонаси
Фитрат кўчасида яшовчи А.Байрамова 127
минг 717 сўм, Л.Головага 152 минг 417 сўм,
А.Саямовга 105 минг 743 сўм, Учувчилар
кўчасида истиқомат қиувчи В.Зубенкога 201
минг 554 сўм, А.Абдуллаевга 104 минг 916
сўм, Л.Зубенкога 143 минг 196 сўм, М.Ла-
пенкога 195 минг 584 сўм, З.Потемкинага
131 минг 899 сўм, Қизил Арват кўчасида
яшовчи А.Марковга 392 минг 251 сўм каби
яна ўнлаб хонадон эгаларига газдан қар-
зинг бор дея даъво қилиб, тегишли
органага маълумот юборган. Корхонанинг
ҳисоби бўйича юқоридаги хонадон эгалари
газдан оз эмас, кўп эмас, нақд 508,6 млн.
сўм "қарз" бўлишган экан.

Ана энди машамани кўринг! Айниқ-
са, асабийлашиб, хуноби ошган фуқаро-
ларнинг кўлларида қарзлари йўқлигини
кўрсатувчи қвтаншялар билан идорама-
илора юришларини айтмайсизми?!

Яхши ҳамки, ҳақиқат, адалат бор. Кўп
ўтмай масала ойдинлашди. Маълум бўли-
шча, туман аҳолисининг газ истеъмоли-
дан ҳужжатлар билан тасдиқланган дебитор-
лик қарзи 536,7 млн. сўмни ташкил этган
экан. Туманга шўъба корхонасидаги ол-
тирлар эса туманга 22,748 та абонент ҳисо-
бига суғий равишда 508,6 млн. сўмлик
дебиторлик қарзини "илиб" қўйишга улгу-
ришди ва "Тошшаҳаргаз" филиалига туман
аҳолисининг 2008 йилнинг 1 октябрь ҳола-
тига бўлган жами қарзи 1.045.300 минг
сўмни ташкил этади деган "расмий" ҳуж-
жатларни тақдим этишди...

Хўш, энди ишондингизми? Ҳа, улар
қандай йўл туттишган дея сўраясизми?
Шошманг, бир бошдан тушуниришга
ҳаракат қиламиз. Бунинг учун авваламбор,
туманга шўъба корхонасининг хизмат фа-
олияти билан танишсак:

Қондага кўра, корхона назоратчиларига
маълум ҳудудлар ажратиб берилган. Улар бир
ойда бир марта ўзларига бириктирилган
ҳудудлардаги хонадонларда бўлиб, газ
ҳисоблагичларни кўздан кеҳиришлари, у
ердаги қўратчиларни ёзиб олиб, эҳсис
билан янгиси ўртасидаги фарқни тариф
бўйича ҳисоблаб, чиққан суммани тўловга
тақдим этишлари лозим. Агар хонадон эга-
си, яъни абонент пулини тўласа, у нуҳада
қвтаншя ёзиб, биттасини уй эгасига, қол-
ган иккитасини эса пул билан банкка топ-
ширишлари керак. Агарда абонент пулни
тўламаса, бу ҳақда ёзма огоҳлантирилиб,
огоҳлантирув қорози мастерларга топшири-
лади. Улар ўз навбатида етакчи муҳандиси
етказишди. Муҳандис эса юристка топши-
ради ва шу йўл билан қарзи борларга нисба-
тан қандай чора кўрилиши ҳақ қилинади.

Айтмоқчи, сал бўлмаса хонадонларга бор-
ган назоратчиларнинг ана бир вазифалари-
ни унутмаёймиз. Улар абонентларнинг уй-
ида (обҳода) (қамров "Оҳват") реестрлари
тузишлари ҳам лозим. Реестрда абонентнинг
фамилияси, манзили, абонент рақами,
охирги тўлов куни, тўлов кунлиги ҳисоб-
лагичнинг қўратмаси, шу қунидаги ҳисоб-
лагичнинг қўратмаси қабилар аса этири-
лиши лозим. Шундан кейин ушбу реестр-
лардаги ҳисоблар шўъба корхонадаги ком-
пьютерларга киритилиб, сет орқали Тош-
шаҳаргаз корхонасига маълумот ва ҳисобот
тариқасида узатилади. Шу йўл билан бир
ойда абонентларга қанча газ тарқатилгани-
ю, истеъмоли қилинган қанча газ учун тўло-
вар қилинган ва қанча қарздорлик борли-
ги аниқланади. Ўз навбатида Тошшаҳаргаз
томонидан ҳам ҳар бир туманга истеъмо-
л учун бир ойда қанча миқдорда газ етказиб
берилгани билдириб турилади. Табиийки,

иккала ҳисоблагич миқдор таққосланганда
охир-оқибат бир хил бўлиши шарт.

Юқоридагилардан кўрииб турибдики,
вазифалар аниқ ва лўнда ишлаб чиқилган.
Режа билан ишланса бас. Бироқ, қозғога ту-
ширилаётган қўйидаги ҳолат бундан мус-
тасно. Гарчи ушбу туман аҳолисинга хизмат
кўрсатувчи туманга шўъба корхонаси хо-
диллари томонидан ҳам ишлар деярли ри-
соладагидек олиб борилган бўлса-да, охи-
рида бошқачароқ йўл танланган. Буларнинг
ҳаммаси 2008 йилнинг июль ойидан бош-
ланади. Ушунда "Биллингга" компьютер да-
стури "Ўзтрансгаз" АЖ томонидан жорий
этилиб, пойтахтдаги барча тумангаз идо-
ларининг ана шу дастурдан фойдаланиш-
лари йўлга қўйилади. Юқорида зикр этил-
ган тумангаз шўъба корхонасидаги ушбу
дастур ўрнатилган учта компьютер ҳам бе-
восита Тошшаҳаргаз корхонасидаги бош
компьютерларга сет орқали улашиб, улар-
дан тумангаз корхонасининг етакчи муҳан-
диси С.Бўриев, оператор Ш.Исмоилова
ҳамда касса оператори П.Париева фойда-
ланишлари мумкин бўлган. Шунингдек,
улардан корхона назоратчиси бўлмиш
Қ.Қосимов ҳам муайян вақт мобайнида
ишлаб туриш ҳуқуқини кўлга киритган. Боя
айтилганидек, ой охирига келиб, бу ерда
ҳам қанча газ тарқатилгани-ю, қанчаси ис-
теъмоли қилингани ҳисоб-китоб қилинган.
Қарашаски, Тошшаҳаргаз томонидан бе-
рилган маълумотлардаги билан ўзларининг
ҳисоб-китобларидаги фарқ анчагина. Яъни,
у ердан ишлатилган газнинг миқдори кўра-
тилган маълумотдан ўзлариники анчагина
кўп. Нима қилиш керак? Ўйлаб-ўйлаб, бу-
нинг йўлини топишди. Бунинг учун энг
мақбул йўл дея компьютердаги маълумот-
ларни ўзгартаришга қарор қилишди. Кеч-
ки пайт оператор Ш.Исмоилова уйига кет-
гач, назоратчи Қ.Қосимов раҳбарларнинг
"топириги" билан компьютерга ўтириб,
тегишли парол орқали маълумотлар бўли-
мига кирди ва тумандаги аксарият абоне-
тларнинг ҳисобига қўшимча 200 м³ дан газ
ишлатган деган маълумотни киритиб қўя-
ради. Бу ҳолат ноябрь ойига қадар давом
этиди. Бунинг натижасида эса, юқорида айтгани-
миздек, аслида қарзи йўқларнинг "қарз"-
дорлиги юзага келади...

Тумангаз корхонаси масъуллари тергов
жараёнида маълумотларнинг бир-бирига
тўғри келмаслиги, корхонада назоратчилар-
нинг етишмаслиги-ю ўзбошимчалик билан
газга уланганлик ҳолатларининг ўз бериб,
уларни назорат қилишнинг иложи бўлма-
ётганлиги туфайли шунча миқдордаги газ-
нинг ким томонидан ишлатилганини аниқ-
лашнинг имкони бўлмаган дея асослашга
уринишди. Бироқ, ҳодим танқислиги би-
ринчи галда ўша корхона раҳбарларининг
муаммоси ҳисобланади. Иқтидорли, иш-
нинг кўзини биладиган, кўл остидагилар-
га оталарча ғамхўр раҳбар ҳеч қачон ҳодим
етишмаслигидан нолимайди. Иккинчидан,
раҳбар деган шахс ўзига тегишли ҳудудда
нималар бўлаётганидан доимо хабардор
бўлиши керак эмасми? Қолаверса, биз-
ларнинг қилимиши эъзига бошқалар азият
чекишини ҳам ҳеч қачон оқлаб бўлмайди.
Агар ўқишатиш жоиз бўлса, кимнинг ҳам
емаган сомага пул тўлағиси келади? Нима
бўлганда ҳам эл-юрт равнақи йўлида қўн-
дан келганча сай-ҳаракат қилинаётган бутунги
қунда ҳалқнинг элтирозига сабаб бўлади-
ган бундай қингирилкларни қилишга ҳеч
кимнинг ҳаққи йўқ.

Суд иш материалларини ҳар томонлама
ўрганиб чиқиб, тумангаз шўъба корхонаси
раҳбари П.Сайдуларов, корхона абонент
бўлими бошлиғи Х.Қаримов, етакчи му-
ҳандис С.Бўриевни 2(икки) йил раҳбарлик
лавозимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб,
қилинган ҳар бирига ҳамда назоратчи
Қ.Қосимовга энг кам ойлик иш ҳақининг
300(уч юз) баравари миқдорда - 8 млн. 412
минг сўм жарима жазоси тайинлади.

Аъзам ХОДЖАЕВ,
Миробод туман прокуратураси терговчиси

“ЗҲР” ДАН ЗҲР ЧИҚИБ...

2009 йилнинг 25 февраль куни ярим
тунда Олмалик шаҳар ИИБ навбатчи-
лик қисмига мурожаат қилган йигит-
нинг аҳолини кўрган навбатчи авва-
лига шобиб қолди. Бўйни билан қўл-
ри-ю кийимларига қон бўлган йигит,
чучур-чучур нафас олар экан:

— Илтимос, ёрдам берсанглар.
Ҳозиргина менга икки киши ҳужум
қилди. Уларни ушлаб, бу ерга олиб кел-
дим. Иккаласия ана, — у қўли билан
ташқарини кўрсатди, — машинада.
Айтмоқчи, биттаси бошидан жараҳат
олган. Унга тиббий ёрдам керак, —
деди...

Ҳасаннинг туғилган кунига ошна-
оғайнилари йиғилишди. Бекзад ҳам
эски танишлари адаш Баҳодирлар бил-
лан анчагача майшат қилди. Аксига
қилиб, кечки соат 8 ларда кимдир кўн-
гир қилиб, Ҳасаннинг бир қариндоши
оламдан ўтганини айтди. Шу хабар са-
баб ҳамма тарқала бошлади. Кўчага чи-
қан меҳмонлар, ўтиришни ўзларича да-
вом эттирмоқчи бўлишди. Кўп ўтмай
яқин орадаги чойхонада "ширин сўх-
бат" бошланди. Икки-уч соатча давом
этган базм, Баҳодирлардан бирининг
деярли ўзини билмай қолиш даражаси-
да "ўчиб" қоли-
ши-ю, иккинчи-
сининг Бекзад
билан бир нима-
ларни режалаш-
тиргани билан
яқунланди. Таш-
қарига чиқиш-
гач, светофор-
нинг қизил чи-
роғига келиб
тўхтаган маши-
нани кўриб, ҳай-
довчиндан уйла-
рига олиб бориб
қўйишни сўраш-
ди. Ҳайдовчи
уларнинг маст-
лигини кўргач,
аввалига йўқ деб
кўрди. Бироқ,
Бекзад шериги-
нинг мастлигини
айтиб, илтимос
қила бошлагач,
ноилож рози
бўлди. Манзилига
келиб, Баҳодир-
лардан бирини машинадан тушириб
юборишга, Бекзад яна ҳайдовчига юз-
ланди:

— Ака, машинангизга бир ўтириб
қолибмиз. Шунинг учун сиздан яна бир
илтимос, энди бизни "Подхоз"га олиб
бориб қўйсангиз.

Улардан тезроқ қутулиш ниятидаги
ҳайдовчи рози бўлмади:

— Жон дердим-у, аксига бензиним
камроқ эди. Хафа бўлмайсизлар энди.

— Бизни ҳам тушуниг. Шу пайтда
яна машина учрайдим, йўқми, Худо
билади. Келинг энди, йўқ деманг. Ак-
сига олиб пулим ҳам озроқ эди. Нима
бўлсам уйга етиб олай...

Бекзад у деди, бу деди, ахирги ҳай-
довчини кўндирди. Машина айтилган
жойда тўхтагач, Бекзад йўл четигаги
уйлардан бирига кириб кетди. У тўғри
ошхонага кириб, иккита пичоқ олди-
да, ортига қайтди. Машинага чиқиб
ўтиргач, "Яна бир савоб иш қиладиган
бўлдингиз-да, ака. Энди мени сал на-
рироқдаги дала ҳовлига ташлайсиз-да,
ўзинлар кетаверасизлар"

Машина ана йўлга тушди. Кўп
ўтмай, автомобил йўли тугаб, дала
бошланди. Яқин атрофда ҳеч қанақа дала
ҳовлилар қўйинмасди. Бундан шубҳа-
ланган ҳайдовчи индамай машинани
орқага бура бошлади. Режаларини ҳай-
довчи сезиб қолганини пайқаган Бек-
зад тезлик билан пичоқлардан бирини
орқа ўриндиқда ўтирган Баҳодирга таш-
лади-да, "бошлайик", дея иккинчиси-

ни ҳайдовчининг бўйига тиради. Боядан
бери жим келаётган Баҳодирга ҳам "жон"
кирди шекилли, Бекзадга қараб "бос, бос"
дея унга далда бера бошлади. Бу ҳолдан ҳай-
довчининг эси чиқиб кетасди. Аммо дар-
ҳол ўзини қўлга олиб, қаршилик кўрсата
бошлади. Ундан бунни кутмаган Бекзад шош-
ганча пичоқ билан ҳамла қилишга ўтди. На-
тижада тиг ҳайдовчининг бўйинини тилиб
юборди. Навбатдаги ҳужумни қайтармоқчи
бўлиб пичоқни ушлаган эди, бармоқлари
кесилиб кетди. Ҳайдовчи шундангина улар-
дан қутулишнинг энг маъқул йўли қочиб
эканлигини тушуниб, машина эшигини
очди-ю, ўзини ерга отди. "Ўлжа"нинг қочиб
кетётганини кўрган Бекзад ҳам узоқ ўйлаб
ўтирмай, юриб кетётган машинадан сакра-
ди. Ҳайдовчи ўзига келиб қараса, рақиб
қўлида пичоқ билан яқинлашиб келмоқди.
Тавakkal қилиб бир тепган эди, оёғи Бек-
здининг кўкрагига тегиб, уни йиқитди. Кат-
тиқроқ тепиб юбордим, ёки ёмон йиқил-
ди, ҳарқалай Бекзад ўрнидан туролмай
қолди. Бундан фойдаланиб, дарҳол спорт
шмиддан белбонни олди-да, унинг қўл-
ларини боғлаб ташлади. Сўнг машина томон
қараса, ўн-ўн беш метрларда тўхтаган ма-
шинанидан тушган иккинчи йўловчи ўзи
томон келатибди. Шошганча у ёқ-бу ёққа
қараган эди, кўзи ерда ётган тасқачага туш-
ди. "Қукаётган хаста ёппишди" дейдилар. Ҳай-

довчи ҳам айни пайтда шундай ҳолатга туш-
ган эди. Шунинг учун дарҳол таёқчанга
олиб, Баҳодирга ўқталди:

— Тўхта, агар яқинлашсанг, ўлдираман.

— Ҳозиргина бўлиб ўтган воқеалардан
ҳали ўзига келмаган, қолаверса, яхшиги-
на кайфи бўлган Баҳодир жойида қотиб
қолди. Сўнгга:

— Бўлди, бўлди. Менга ҳеч нарсаси керак
эмас. Унга бундай қилмайлик, деган эдим.

Кўнмади. Мени уйимга ташлаб келсанг,
бўлди, — дея зорлана бошлади.

Бир ўзи икки безорига қарши чиққан
ҳайдовчи қўллари борланган Бекзадни ма-
шинанинг юқонасига жойлаб, Баҳодирни
эса орқа ўриндиққа ўтказиб, рулни тўғри
ИИБ томон бурди...

Айтмоқчи, зукко ўқувчи чойхонадаги
базмда Бекзад билан Баҳодир тузган режа-
нинг нима ҳақда эканлигини юқоридаги-
ларни ўқиғач, тушуниб олган бўлса керак.
Бундан ташқари ҳодиса 25 февраль куни
бўлиб ўтганини ҳам таъкидлаган эдик. Бун-
и қарангки, ўша куннинг эртасига, яъни 26
февраль куни Бекздининг туғилган кунини
бўлиб, "именинник" пули йўқлиги боис,
Баҳодир билан режа тузган ва шу йўл бил-
лан туғилган кунини "ювмоқчи" бўлган
экан. Нияям дердик, Бекзад ҳақиқатан
ҳам ўзининг туғилган кунига қутилмаган
совға тайёрлади...

Наримон ИЗМУЛЛАЕВ,
Тошкент вилоят прокурорининг қатта
ёрдамчиси

2009 йил 15 июль. Жазирамада арава тортишининг ўзи бўлмайди. Қўқон бозорига арава тортиб, кунин кеч қилиб Аҳам қўқон ўққоқа бош қўйган маҳал уйига қайтди. Аввалгига тоған пулига рўзгор учун ул-бўл олишни ният қилган эди, бироқ "...эртага яна бир-икки сўм топсам, биратўла тузукроқ бозорлик қиларман", деган ўйда ҳонадон томон йўл олди. Йўл-йўлакай спиртли ичимликлар дўкони олдиндан ўтarkan, нияти бузилди. Бироз иккиланиб тургач, дўкonga кирди. Аввалгига юз грамм, кейин-икки юз, бир маҳал қараса, икки шиша ароқни кўрдим демай ичиб қўйибди. Кўчада гандирак-лаб бораркан, кайфияти чоғлигидан қўшқ хиргойи қала бошлади. Уйига келгач, ҳоналарча бир-бир кириб чиқа бошлади. Охир-гисига қараса, акиси Баҳром ўзининг эски таниши бўлмиш Алиа билан юзта-юзта қилиб ўтирибди. Уларни кўрган Аҳамнинг кайфияти янада кўтарилиб кетди. Акасининг ёнига ўтирар экан, гина қилгандек бўлди:

— Бу қанақаси, ака? Мени ишга юбориб, ўзингиз бу ерда... Бу инсофдан эмас...

Шундоқ ҳам "қутилмаган меҳмон"ни кўриб, асаби бузилган

Баҳромнинг бу гапдан жаҳди чиқди шекилли, укасига ўқрайди. Аҳам унинг қарашини тушунгандай қўлларини кўтарди.

— Уэр акажон. Бошқа қайтарилмайди. Ундан кўра менга ҳам қўйсангиз-чи? Бир маза қилайлик.

Аҳамнинг гапларидан Баҳромнинг энсаси қотди:

— Ўзи маза қилиб келганга ўхшайсан-ку! Еб тўймаган ялаб

— Нима учун бозорлик қилиб келмадинг? Мен сенга нима деган эдим?

— Хавотир олманг, ака! Эртага ишлаганимга бозорлик қилиб келаман. Сиз ҳечам хавотир олманг!

Унинг бепасандларча берган жавобидан Баҳром тутатқиб кетди:

— Нимадан хавотир олишим

ку! — у шундай дея хонтахтани муштлай бошлади.

Алиа бир сакраб тушди. Аҳам бўлса акасига бўзрайди:

— Таъна қилаяпсизми? Бу уйга фақат сиз нараса олиб келаётганингиз йўқ. Намунча оғзингизни кўпиртириб, сени боқаяпман, дейсиз. Аслида сизни мен боқаяпман. Мен бўлмаганимда аллақачон кўчада қолган бўлардингиз.

ра олмай қолганди. Темирни кўтарганча яна укасига ташланди. Аҳам бир амаллаб қочиб қолди-ю ошпичоқ билан ҳамла қилиб, ҳамоята чоғланди. Аммо акасининг ўғ қўли билан қорнини ўшлаб, ерга чўк тушганини кўриб, эси чиқиб кетаёзди. Қўллари қалтираб, пичоқ ерга тушиб кетди. Шундагина нималар қилиб қўйганини тушунди-ю югурганча қўшни ҳонага кириб, "тез ёрдам"га қўнғироқ қила бошлади. Кўп ўтмай етиб келган "тез ёрдам" машинаси Баҳромни касалхонага олиб кетди. Афсус, шифокорлар қўнғироқ ҳаракат қилишмасин, Баҳромнинг ҳаётини сақлаб қолишолмади...

Бир она қорнига сиққан ака-ука бир довғилга сиғишмади. Эшитганмисиз, шоирнинг шундай сатрлари бор: "...мени елкасида кўтарган акам, қадди камон бўлди аллақачонлар". Ким билсин, эҳтимол Баҳром ҳам бир пайтлар укасини елкасида кўтариб юргандин. Энди бўлса, қадди камон бўлган акага суянчиқ бўлиш ўрнига унинг қотилига айланган. Бундан-да ортиқ аянчли қисмат бўлмаса керак!

Ўқтамжон ҲАМДАМОВ,
Дангара туман прокурори катта ёрдамчиси

АЯНЧЛИ ҚИСМАТ

тўғирми?

— Унақа эмас ака. Ётиб қолгунча отиб қол, десангиз тўғри бўлади. Қани кўйинг, ака!

Баҳром ҳаммага тенг қилиб, ароқ қуйди. Аслида ака-укаларнинг тақдири деярли бир хил. Иккаласининг ҳам хотин ботида омади чопмади. Эҳтимол, бу хотинлари учун омаддир. Қисқаси ака ҳам, ука ҳам оилани тутиб қолишолмади. Шунинг учун ҳам бир уйда яшаб юришибди...

Пиёларлар кўтарилиб, уриштирилди. Баҳром пиёлани бўшатиб, хонтахта устига қўйгач, укасига юзланди:

керак-а? Уйда ҳеч нараса қолмади-ку. Яна бир кун кутамизми?

Аҳам кайфиятини бузишни истамай, босиқлик билан акасини тинчлантиришга ҳаракат қилди.

— Жаҳлингиз чиқмасин! Худо хоҳласа эртага бозорлик қилиб келаман.

— Ҳар кун шу гап, — Баҳром ўшқириб юборди, — Ҳар кун ваъда берасан. Мени ёш болани алдагандай алайсан. Нима, мени аҳмоқ деб ўйлаяпсанми? Қачонгача менга юк бўлмоқчисан, қачонгача сени боқишим керак? Жонимга тегиб кетдинг-

Энди Баҳром тутатқиб кетди:

— Нима дединг? Мен кўчада қолардимми? Мен-а? Менга сендай боқиманда керакмас. Ундан кўра, сени ўлдириб қўя қолганим яхши, — деди-да, жаҳл билан ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

Алиа ака-укалар ўртасидаги муносабатни кўриб, қотиб қолди. У нималар бўлаётганини тушуниб улгурмай, Баҳром қўлида темир билан қайтиб келди. Тўғри келиб, Аҳамни урмоқчи бўлди. Зарбага зўрға чап бериб қолган Аҳам ўрнидан ташқарига отди. Тўғри ошхонага кириб, ошпичоқ кўтариб келди. Энди Баҳром ўзини бошқа-

Баҳодир билан Замира бир маҳаллада воёга етишди. Бир мактабда, бир синфда ўқиб, бир-бирларига кўнгил қўйишга ҳам улгурди.

Замира анчайин бой хонадоннинг қизи бўлганлиги боис ота-онаси аввалига уни Баҳодирга беришга қаршилик қилишди. Лекин икки ёш ўз муҳаббатлари учун курашиб, қийинчиликлар эвазига оила қуришди. Энди улар бахтли оилалардан бири эдилар. Омад бир келса қўша-қўша келаверар экан.

ичкиликка ружу қўйди.

"Касалини яширсанг иситмаси ошкор қилади" деганларидек, Баҳодирнинг ҳаракатлари Замиранинг қўлига етиб келди. Бир кун эри уйга келиши билан жанжал кўтарди. Айтилмаган гап деярли қолмади, ҳатто отасининг орқасидан ким бўлганларига таъкидланди. Бу жанжал Замиранинг қўлоқ чаккасига тортилган тарсаки билан яқунланди. Эр жаҳл билан уйдан чиқиб кетди.

Аламга чидай олмаган

қотиликни яшириш йўллариин излай бошлади. Жасадларни қўлгага ўраб, машина юкхонасига жойлади. Машинани ўт олдирач, овлоқ жой излаб, йўлга чиқди ва бир тепалиқда машинадан тушириб, бензин сеппиб, ёқиб юборди. Орадан бир ҳафта вақт ўтиб, Замиранинг ота-онаси қизларнинг йўқлигидан хавотирга туша бошлади. Кўёвдан тайинли жавоб ололмагач, ИИБ бўлимига хабар беришди. Бир неча кун ичида Баҳодир

У ўша кунни ҳам уйига маст ҳолатда келган эди. Камига хотини Надежда билан яна икки пишани бўшатди. Кўп ўтмай "пиша ичидаги жин" ўз вазифасига киришди: энди у миждовланиб, жанжалга баҳона қидира бошлади. Аммо ширакайф бўлиб қолган Надежанинг у билан жанжаллашишга хоҳиши ҳам, тоқати ҳам йўқ эди. Хотинининг индамай пинакка кетгани унинг баттар аламини кўзатди. Нима қиларини билмай турганида қизи Олеса кириб келди. Буни қарангки, қизи ҳам ундан қотишмайдиган аҳволда — маст эди.

ОДАМ БЎЛИШИ ҚИЙИН...

Кимга ташланишни билмай турган Алиқ учун бу айни муддао бўлди: у қизини ярим тунгача қаерда юргани билан қизққан киши бўлди. Турган гапки, унинг "оталарча" тергаши Олесага ёқмади.

Фарзандига тарбия бериши керак бўлган даврни панжара ортда ўтказган отанинг гаплари аллақачон кўча ҳаётига ўрганиб бўлган қизга таъсир қилармиди? Ўртада жанжал чиқди. Алиқ оғизига келганини қайтармай, қизини сўка бошлади. Бундан ҳам кўнгил тўлмай қизини уришга чоғланди. Унинг ҳеч бир қоллига сиғмайдиган қилиқларидан зада бўлган Олеса уйдан қочиб чиқиб кетди.

Олеса тўғри участка нозирининг ҳонасига бориб, унга аҳволни тушунтириши мумкин эди. Аммо у бундай қилмади. Ўзига ўхшаб ярим тунгача изиб юрадиган танишлари Жения билан Максими топди. Уларга бўлган воқеани айтиб берди. Йигитлардан қизнинг отаси билан гаплашиб қўйишга қарор қилиб, уларниқига йўл олишди. Чақирилмаган "меҳмон"ларни кўриб, Алиқнинг фигони фалакка чиқди. Айтмоқчи, қизнинг шаънини ҳимоя қилишга чоғланган йигитчалар ҳам "дадиллик учун" ярим-тани бўшатиб олишган эди. Ахир Олесанинг отаси умрининг ярмини панжара ортда ўтказган респидивет эди-да!

Шу ўринда Алиқ Ян ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак: 58 ёшгача А.Ян оз эмас, кўп эмас, ропла-роса 7 марта судланиб, қамалган. Панжара ортда неча йилни ўтказгани ўзининг ҳам эсидан чиқиб кетган бу нусха ичкиликка муккасидан кетган. Озодликка чиққанига эндигина бир йил тўлган А.Ян афтидан, яна ўша томонларни кўмсаб қолган эди.

Қизининг тўн яримдан ошгандан икки йигитни эргаштириб келгани, бунинг устига йигитчаларнинг унга одоб-ахлоқдан маъруза ўқишга киришиб кетгани Алиқка умуман ёқмади. Бисотдаги энг унги сўзлар билан уларни сийлаган Алиқ калтакнинг тағдида қолди: йигитлар "ақли кирмаган" қарияни дўппослаб ташлашди.

Алиқ ўзига келганида боғияна ҳиқиллаб йиғлаб ўтирган қизи икки йигитнинг ўртасида ноз-фироқ билан ўтирган эди. Мана шу жойда унинг "оталик" нафсонияти кўзга кетди.

Ёшларни ахлоқсизликка айблаб, уларга кўрсатиб қўйишни ният қилган Алиқ ошхонага йўл олди. У ердан ихчамгина ошхона пичоғини олиб, қизининг ётоғи эшигини тақиллатди. Қизи билан "меҳмон"лар бунга парво қилишмади. Алиқ энди сўкинганча эшикни қаттиқроқ ура бошлади.

Эшикни Олеса очди. Очди-ю қоринини чангаллаб ўтириб қолди. Алиқ унинг қорнига пичоқ санчиб олган эди. Бу манзарадан кайфи учиб кетган йигитлар нима қилишни билмай қолишди. Алиқ "Энди навбат сенларга!" деб уларга томонга пичоқ сермаб кела бошлади. Ноилдоқ қолган йигитлар ўзларини ҳимоя қилиш учун қўллари-га илинган нарсани Алиқка қараб ота бошлади. Аммо у йигитларни ҳона бўйлаб таъқиб қилишдан тўхтамади. Йигитлардан бири уни чапигитгандай бўлиб, иккинчиси унинг орқасидан келиб қўллари-га тармашди. Аммо унга эпчиллик етишмади, Алиқ унинг сонига пичоқ санганида додлаб қоча бошлади. Энди навбат табуретка билан ўзини ҳимоя қилишга чоғланган иккинчи йигитга келган эди. Аммо у ҳам тайинли қаршилик кўрсатолмади: елкасидан жароҳат олган йигит бир амаллаб ваҳшийнинг тўқибидан қочиб кутулди. Йўлакка чиқиб қўшнилари-нинг эшигини тақиллатиб, милиция ва "тез ёрдам"га телефон қилишларини илтимос қила бошлади.

Милиция ва "тез ёрдам" кетма-кет етиб келганда Алиқ қизининг ҳонасини ичкаридан бекитиб олган эди. Қисқа муддатли музокарадан сўнг у эшикни очди. Ҳона ичида жароҳатидан қон кетиб турган Олесага кўрсатилган тез тиббий ёрдам туфайли унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Аслида ҳар қандай одам ҳам ҳаётда адашиши, хато қилиши мумкин. Аммо хатоларидан сабоқ чиқариб, тўғри йўлга тушиб олган одамгина инсон деган номга муносиб. Алиқ Ян қабилар эса...

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан Алиқ Ян қўлишмига яраша жазосини олди. У яна 17 йилни панжара ортда ўтказишга мажбур.

Бахтиёр ИСАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори



КЎРМАГАННИНГ КЎРГАНИ ҚҮРСИН

Тўйдан бир неча кун ўтиб, Баҳодир қайнотасининг "авторитети" туфайли ўзи яшаб турган туман ҳокимлигига қорни лавозимлардан бирига тайинланди.

Замиранинг ой кунини етиб ўтиб дунёга келди. Бу янгиликдан Баҳодир ҳам, Замира ҳам ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Баҳром жонининг тулишиш муносабати билан дастурхон ёзилиб, элга ош берилди. Ёш ота-она эса севгидан маст, бахтдан масрур эдилар. Бироқ бу хурсандчилик узокқа чўзилмади. Иккинчи фарзандлари Зарнигор туғилганидан кейин оиллада тартибсизликлар юзга кела бошлади. Эр-хотиннинг боши жанжалдан қичмай қолди. Баҳодир тез ўзгарди. Бу пайтга келиб, қайнотанинг "узуи қўли" туфайли Баҳодирнинг лавозими анча ошган, у энди вилоят ҳокимлигидан катта лавозимлардан бирини эгаллаган эди.

Амал пиланояларидан юқорилаб, казо-казолардан таниш-билишлари кўпайгани сари "хурмача қилиқ"лар пайдо бўла бошлади. Маишатлар авжига чиқиб, аста-секин уйига кам келадиган одат чиқарди. "Хизмат сафар"лари ҳам кундан-кунга кўпая бошлади. Гузал хонимчалар билан андармон бўлиб,

Замира анча вақтдан бери ҳоли-жонига қўймай юрган Дилшодга қўнғироқ қилиб, уйига чақирди. Қўнғироқдан хурсанд бўлган Дилшод "ёғини қўлга олиб" учиб келди.

Баҳодир уйдан чиққач, тўғри кафега йўл олди. Ўтириб ўтган умрини сарфисоб қилди. Аламини ичкиликдан олди. Алламаҳалда Замиранинг гаплари эсига тушиб, миниясга тикандек қалада бошлади. Жаҳл билан туриб, уйига йўл олди. Калит билан эшикни очиб, ичкарига кирганида бегона оёқ қийимига ўтиб тушди. Хаёлига келган фикрдан минсига қон телиб, яшин тезлигида ошхонага учди. У ердан пичоқ олиб, ётоқхонага йўналди. Адамшарман экан. Унинг ўрнида бегона эркак хотини билан дон олишиб ётарди. Бунинг кўрган Баҳодирнинг баданини соғуқ тер босди. Кўз олди қоронғулашиб, қўлидаги пичоқ билан аввал Дилшоднинг, кейин Замиранинг дуч келган жойига ура кетди. Баҳодир ўзини қўлга олганда кеч бўлган эди. Ҳамаёқ қонга беланиб, Дилшоднинг ҳам, Замиранинг ҳам жони узилиб бўлганди. Кайфидан асар ҳам қолмаган Баҳодир зудлик билан

қўл урган жиноят фош этилди. Суд уни бир неча йилга озодликдан маҳрум этди.

Замира жаҳл устида қилган ҳаракати учун оламдан эрта кўз юмди. Ўзи билан бирга Дилшодни ҳам олиб кетди. Баҳодир эса анча муддатга озодликдан маҳрум бўлди. Масаланинг ачинарли томони шундаки, Баҳром-жон билан Зарнигор тирик етим бўлиб қолди. Келажакда улар етук инсон бўлиб воёга етишар, яхши-яхши жойларда иш-лашар, лекин бир нараса - қотилининг фарзандларин деган тамга бир умр уларни тарқ етмайди.

Шу ўринда "Кўрмаганнинг кўргани қўрсин" деган нақлнинг тўғри айтилганига яна бир бор ғувоҳ бўлаяпмиз. Зеро, қаҳрамонимиз ҳам олдийгина оилда, қийинчилик билан воёга етганди. Назаримизда, мансаб ва бойлик қабил тушунчалар унинг қўлларини кўр, қўлоқларини қар қилиб қўйди. Демократизм, ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган ибратли мақолларга гоҳида бўлса-да, амал қилиб ишасак, ҳаётимиз гузал, турмушимиз фаровон, умримиз тинч-тотувликда ўтган бўларди деб ўйлаймиз.

Ўрол НОРБОВ

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги №ПҚ-672 сонли қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларини қабул қилиш муддатини узайтирилганлигини маълум қилади:

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2010 йил 12 январь куни Тошкент вақти билан соат 12.00да тугайди.

Корхонанинг номи	Манзили	Сотиладиган улус (%)	Бошланғич нархи (АҚШ долл.)	Инвестиция мажбуриятлари (АҚШ долл.)	Тендер ҳужжатлари пакетининг нархи (АҚШ долл.)
«Фаргона фуран бирикмалари қимё заводи» ОАЖ	Фаргона вилояти	100,0	37 000 000,0	2 600 000,0	2 000
«IPAK YO'LI – TURIZM INVEST» КК МЧЖ («Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонаси)	Тошкент шаҳри	39,0	11 300 000	5 000 000	2 000
«Grand Mir» КК МЧЖ («Grand Mir» меҳмонхонаси)	Тошкент шаҳри	35,0	7 808 500	2 800 000	2 000
«ISSIQLIKQUVVATTA» MIR» ОАЖ	Тошкент шаҳри	25,0	640 000	150 000	100
«Роҳат» болалар соғломлаштириш оромгоҳи	Бухоро вилояти	100,0	36 000	50 000	100

«Фаргона фуран бирикмалари қимё заводи» УК Фаргона вилоятининг Фаргона шаҳрида жойлашган. Корхона 1946 йилда ишга туширилган. Корхона пахта целлюлозаси, фуритол-107, фурфил спирти, этилланган техник спирт, фурфурол - 1 нав, ФХЛ-1 бургулаш реагенти, той- пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

«Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонаси Тошкент шаҳри марказида, Амиер Навоий ва Амир Темур кўчаларининг кесилишида жойлашган. «Dedeman Silk Road Tashkent» 4-юлдуз меҳмонхона ҳисобланади. Меҳмонхонада 206 та шинам хона, ресторан, кафе, бар, тўғи клуб мавжуд, шунингдек конференция ва учрашувлар ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган. Меҳмонхонада «Life Style» соғломлаштириш клуби фаолият кўрсатади.

«Grand Mir» меҳмонхонаси пойтахтнинг марказида У.Носир ва Қунаев кўчаларининг кесилишида жойлашган. «Grand Mir» меҳмонхонаси 5-юлдуз кампания эга. Меҳмонхонада 126 та шинам хона, иккита ресторан, кафе, бар, соғломлаштириш клуби, кўп мақсадли 250 кишилик конференция заллари мавжуд.

«ISSIQLIKQUVVATTA» MIR» ОАЖ Тошкент шаҳри Яккасарой туманида жойлашган бўлиб, корхона 1997 йилда ишга тушурилган. Корхонанинг асосий фаолият тури қурилиш-монтаж ишлари, капитал таъмирлаш, магистрал ва кварталлар ичигида иссиқлик

ўтказиш тизимларини капитал таъмирлаш ва қурилиш, коммунал хўжалиги объектларида умумий қурилиш ишларини олиб боришдан иборат.

«Роҳат» болалар соғломлаштириш оромгоҳи Бухоро вилояти, Олот туманида жойлашган. 1974 йилда ишга туширилган бўлиб, Олот туман қишлоқ ва сув хўжалик бўлимининг баландида ҳисобланади. Оромгоҳ йилига 160-190 кишини қабул қилиш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Жами ер майдони - 9078 м², шу жумладан асосий бинолар ва ишшоотлар жойлашган ер майдони - 895 м². Оромгоҳ ҳудудда 11 та бино ва ишшоотлар мавжуд.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Ушбу ҳолда Информацион меморандум, Тендери ўтказиш қоидалари ва Тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган Тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулк қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган Ариза ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисида Билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан бериб ўтказиш лозим:

Валюта рақами: № 20203840500600289001

Хисоб рақами: № 20203000600600289001

«Ипак Йўли» АИКБ, Тошкент ш., Фарҳод кўч., 12 - А уй

ИНН 201122696, Банк коди 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Тендер таклифларини очилиши 2010 йил 12 январь куни Тошкент вақти билан соат 16:00да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг мажлислар залида (5-қаватда) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўриштирилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиб маросимда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100003, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уй.

Давлат мулк қўмитаси биноси, 8-қават. Тошпулатов Элер Абдухашимович этиб-бори, телефон: (+99871) 259-22-55.

Маматов Одиложон Абдуғаффарович этиб-бори, телефон: (+998 71) 259-21-90.

Факс: +998 (71) 259-20-72. Веб сайт: www.gki.uz

УВЕДОМЛЕНИЕ О ПРОДЛЕНИИ СРОКА ТЕНДЕРА ГОСУДАРСТВЕННАЯ КОМИССИЯ ПО ПРОВЕДЕНИИ ТЕНДЕРНЫХ ТОРГОВ ПРИ ПРОДАЖЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО ИМУЩЕСТВА ИНОСТРАННЫМ ИНВЕСТИТОРАМ

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-672 от 20 июля 2007 года уведомляет о продлении срока подачи тендерных предложений по ранее объявленным тендерам:

Срок приема тендерных предложений истекает в 12:00 часов дня по Ташкентскому времени 12 января 2010 года.

Наименование предприятия	Адрес	Реализуемая доля (%)	Стартовая цена (долл. США)	Инвестиционные обязательства (долл. США)	Стоимость тендерной документации (долл. США)
УП «Ферганский завод фурановых соединений»	Ферганская область	100,0	37 000 000,0	2 600 000,0	2 000
СП ООО «IPAK YO'LI – TURIZM INVEST» (гостиница «Dedeman Silk Road Tashkent»)	г.Ташкент	39,0	11 300 000	5 000 000	2 000
СП ООО «Grand Mir» (гостиница «Grand Mir»)	г.Ташкент	35,0	7 808 500	2 800 000	2 000
ОАО «ISSIQLIKQUVVATTA» MIR»	г.Ташкента	25,0	640 000	150 000	100
Детский оздоровительный лагерь «Роҳат»	Бухарская область	100,0	36 000	50 000	100

УП «Ферганский химический завод фурановых соединений» расположен в г. Фергане, Ферганской области, введено в эксплуатацию в 1946 году. Предприятие производит: хлопковую целлюлозу, фуритол-107, фурфуроловый спирт, технический этиловый спирт, фурфурол, буровой реагент ФХЛ-1 и хлопчатобумажную вату.

Гостиница «Dedeman Silk Road Tashkent» расположена в центре города Ташкента на пересечении улиц Алишера Навои и Амира Темура. Гостиница «Dedeman Silk Road Tashkent» присвоена категория «4 звезды». Гостиница имеет 206 комфортабельных номеров, ресторан, кафе, бар, ночной клуб, также имеются все удобства для проведения конференций и деловых встреч. На территории гостиницы функционирует оздоровительный клуб «Life Style».

Гостиница «Grand Mir» расположена в центре города Ташкента на пересечении улиц У.Насыра и Қунаева. Гостиница «Grand Mir» присвоена категория «5 звезд». Отель имеет 126 комфортабельных номеров, два ресторана, кафе, бар, оздоровительный клуб, многоцелевые залы для проведения конференций и деловых встреч, вместимостью до 250 человек.

ОАО «ISSIQLIKQUVVATTA» MIR» расположено в Яккасарайском районе г.Ташкента. Предприятие введено в эксплуатацию в 1997 году. Основным видом деятельности предприятия является строительно-монтажные работы, капитальный ремонт и строительство внутриквартальных и магистральных теплосетей, общестроительные работы на объектах коммунального хозяйства.

Детский оздоровительный лагерь «Роҳат» расположен в Алатском районе Бухарской области. Введен в эксплуатацию в 1974 году, находится на балансе Отдела сельского и водного хозяйства Алатского района. Рассчитан на приём и обслуживание 160-190 человек в год. Общая площадь 9 078 кв.м, в т.ч. под зданиями и сооружениями - 895 кв.м. На территории имеется 11 зданий и сооружений.

Инвесторы, желающие участвовать в тендере, должны подать соответствующим образом заполненную и подписанную Заявку на уча-

стие и Заявление о соблюдении конфиденциальности.

В этом случае пакет тендерной документации, включающий Информационный меморандум, Правила проведения тендера и Форму тендерного предложения, может быть получен после его оплаты и представления в Госкомимущество Республики Узбекистан заполненной и подписанной Заявки и Заявления о соблюдении конфиденциальности с приложением копии документа, подтверждающего оплату.

Оплату за пакет тендерной документации необходимо перечислить на один из следующих счетов Госкомимущества Республики Узбекистан:

Валютный счёт № 20203840500600289001

Расчётный счёт № 20203000600600289001

в ОПЕРУ АИКБ «Ипак Йўли» 100135, г.Ташкент, ул. Фархадская 12-А

ИНН: 201122696, МФО: 00444 S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Вскрытие пакетов с тендерными предложениями состоится 12 января 2010 года в 16:00 часов по Ташкентскому времени в зале заседаний Госкомимущества Республики Узбекистан (5 этаж).

Участники тендера или их уполномоченные представители, подавшие тендерные предложения в установленном порядке, вправе принять участие при вскрытии пакетов с тендерными предложениями.

По всем вопросам, относящимся к проведению тендера, просьба обращаться:

В Главное управление Госкомимущества Республики Узбекистан, Республика Узбекистан, г.Ташкент, 100003, проспект Узбекистанский, 55. Здание Госкомимущества, 8-этаж.

Внимание: Тошпулатова Элера Абдухашимовича. Телефон: +998 (71) 259-22-55.

Внимание: Маматова Одиложона Абдуғаффаровича. Телефон: (+99871)259-21-90. Факс: (+99871) 259-20-72.

Веб сайт: www.gki.uz

ДМК Тошкент шаҳар бошқармаси оммавий оферта савдоларини ўтказилиши тўғрисида эълон қилади

Сотувчи: Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Сотувчининг манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16 "А"-уй, 100060

Алоқа телефони 233-35-08, телефакс 233-35-08, 233-23-52, электрон почта ugki@rambler.ru

Объект номи: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 40-уй манзилида жойлашган 9 қаватли бионинг 9-қаватлига умумий майдони 49 кв.метрга тенг бўлган бино қисми.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Музокаралар 2010 йил 15 январь куни соат 16-00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Объектни бошланғич нархи 28 463 590 сўм.

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагилар:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини тақлиф этиш;
- энг камда 8 000 000 (саккиз миллион) сўм миқдорда инвестиция қилириш мажбуриятини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- сотиб олиш тўлови ва қўшимча инвестиция қилириш қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдо солиғига савдо қилинган бошлаб йиғирма кун муддат ичида олди-сотида шартномасини имзолаш шартли юклатилади.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш 2010 йил 15 январь куни соат 13-00да тўхтатилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази ҳамда Транспорт прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

Анвар ҲУЗАЙЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази ҳамда Тошкент вилояти прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси Қўчқор Ҳозиева волидаи муҳтарамаси

Махфари ҲОЗИЕВанинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Хоразм вилоят прокуратураси жамоаси Янгирой туман прокуратури Мақсуджон Искандарова падари бузруквори

Ботир отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

